بِالْفُدْرَةِ غَفَلٌ وَهُوَ مَطْلُوبٌ، وَأَمَّنْ وَهُوَ مَسْلُوبٌ

Ким ўзини қабоҳатдан тўхтатса, қўрқувдан омонда бўлади. Ким қўлини ёмонлик қилишдан тийса, тойилишидан омонда бўлади. Ким куч-қудрати ила таҳдид қилса, талаб қилинувчи ҳолида ғафлатда қолибди ва тортиб олинувчи ҳолида хотиржам бўлади.

بِاعْتِزَالِكَ لِلشَّرِ يَعْزِلُكَ الضَّالُونَ وَبِالنَّصَفَةِ يُكْثِرُ الْوَاصِلُونَ

Ёмонликдан четланишинг билан адашганлар сендан четлашади. Инсоф қилишлик билан борди-келди қилувчилар кўпаяди.

لَا تَغْرِي بِالْأَمْلِ وَلَا تَسْتَكِثِرْ الْعَمَلَ وَلَا تُلْهِكَ الدُّنْيَا بِغُورِهَا تَقْعُنِ فِي هَقَوَاتِ شُرُورِهَا

Сен орзуга алданиб қолма. Яхши амални кўп санама. Дунё ўзини алдовлари билан сени чалғитиб қўймасин. Акс ҳолда дунёning ёмон хатоларига тушиб қоласан.

Шур:

أَنْتَ نِعْمَ الْمَتَاعُ لَوْ كُنْتَ تَبْقَى
غَيْرَ أَنْ لَا بَقَاءَ لِإِنْسَانٍ
لَيْسَ فِيمَا بَدَا لَنَا مِنْكَ عَيْبٌ
عَابَةُ النَّاسُ غَيْرَ أَنَّكَ فَانٍ

Шеър:

Агар боқий қолсанг, сен қандай ҳам яхши матосан.

Лекин инсон учун боқийлик йўқ.

Бизга сен томондан одамлар айблайдиган бирор айб кўринмади.

Лекин айб шуки, сен йўқ бўлиб кетувчисан.

مُخَالَطَةُ الْجَاهِلِ أَضَرٌ مِّنَ السَّمِّ وَأَنْفَدٌ مِّنَ السَّهَمِ

Нодонга аралашиб, заҳардан ҳам зарарлироқ ва найзадан ҳам ўткирроқдир.

يَضْعُفُ الْجَاهِلُ إِنْ تُورَكَ وَيَقُوِي إِنْ شُورَكَ

Нодонни тарк этилса, заифлашади, агар шерик бўлинса, кучаяди.

قِيلَ: فِي بَعْضِ كُتُبٍ عَنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ: أَبْعَدْ عَنِ الْجَاهِلِ إِنْ طَلَبَتِ الرَّاحَةَ، فَإِنَّ حَمْلَ الرَّمَلِ وَالْحَدِيدِ أَسْهَلُ مِنَ الْمَثْوَى مَعَ الرَّجُلِ الْجَاهِلِ، وَضَرَرُ الْجَاهِلِ أَعَمُّ مِنْ ضَرِّ الشَّرِّ لِأَنَّ قَانُونَ الشَّرِّ مَعْلُومٌ وَقَانُونَ الْجَاهِلِ غَيْرُ مَعْلُومٍ

Бани Исроилнинг баъзи китобларида айтилган нарса шуки: Агар роҳатни талаб қилсанг, жоҳилдан узоқ бўл. Чунки тош ва темирларни қўтариш жоҳил одам билан бирга бўлишдан осонроқдир. Жоҳилнинг зарари ёмонликни зааридан кўра умумийроқдир, чунки ёмонликни қонуни маълумдир, жоҳилнинг қонуни эса номаълумдир.

لِكُلِّ شَيْءٍ لُبَابٌ، وَلُبَابُ النُّفُوسِ الْأَلْبَابُ

Ҳар-бир нарсанинг мағзи бор. Нафсларнинг мағзи эса ақллардир.

وَقَالَ حَكِيمٌ: مُخَالَطَةُ الْأَشْرَارِ مِنْ أَعْظَمِ الْأَخْطَارِ

Донишманд деди: “Ёмонлар билан араласиб юриш, хатарларнинг энг улканидир”.

مَنْ قَضَيْتَ وَاجِهَةً أَمْنَتْ حَانِبَةً

Кимнинг вазифасини адo қilsang, унинг ёнида омонда яшайсан.

لَيْسَ يَكْفِيْكَ مَنْ لَمْ تَكْفِهِ

Сен унга етарли бўлмаган киши, сенга етарли эмасдир.

لَيْسَ جَزَءٌ مَنْ سَرَّكَ أَنْ تَسْوَءَهُ

Сени хурсанд қилган кишининг мукофоти, сен унга ёмонлик қилмаслигингдир.

مَنْ حَسْنَ وَدَادَهُ قَبْحَ اسْتِفْسَادُهُ

Кимнинг дўстлиги чиройли бўлса, уни бузиш хунук бўлади.

مَنْ يَئُنُّ يَهُنْ

Ким хиёнат қилса, хор бўлади.

الْعَجْزُ نَائِمٌ وَالْحَرْمُ يَقْظَانٌ

Ожизлик ухловчиидир, эҳтиёткорлик уйғоқдир.

مَنْ لَمْ يَلْزِمْ نَفْسَهُ حَقَّكَ لَا تُلْزِمْ نَفْسَكَ حَقَّهُ

Ким ўзига сени ҳаққингни лозим тутмаса, сен ҳам ўзинга уни ҳаққини лозим тутмагин.

لِكُلِّ بِنَاءٍ أُسْ وَلِكُلِّ تُرَابٍ عَرْسُ

Ҳар бир бинонинг асоси бор. Ҳар бир тупроқнинг экини бор.

لَا خَيْرٌ فِي مُعِينٍ مُهِبِّينَ وَلَا فِي صَدِيقٍ ضَنِبِّينَ

Хорлаб ёрдам берувчида ва зиқна дўстда яхшилик йўқдир.

كَثْرَةُ النُّصْحِ تَحْمِلُ عَلَى سُوءِ الظَّرِّ

Насиҳатни кўпайтириш ёмон гумон қилишга ундан қўяди.

مِنْ ضَعْفِ الْأَمْرِ إِغْلَاثُهُ قَبْلَ إِحْكَامِهِ

Ишни мустаҳкам қилмасдан эълон қилиш, ишнинг заифлигидандир.

الْوَاقِيَّةُ خَيْرٌ مِنَ الرَّاقِيَّةِ

Сақланувчи дам солдирувчидан яхшироқдир.

مَنْ بَسَطَهُ الْإِدْلَالُ قَبَضَهُ الْإِدْلَالُ

Кимни ўзини эркин тутиш хурсанд қилса, хорлик тутиб олади.

إِذَا زَادَكَ الصَّدِيقُ إِقْبَالًاً زِدْهُ إِجْلَالًاً

Дўстинг сенга юзланиши кўпайтиrsa, сен ҳам уни улуғлашни кўпайтиргин.

Шур:

فَرِبْمَأَا أَوْرَثَ الْإِدْلَالُ إِدْلَالًاً	إِنْ قَرَبُوكَ فَلَا تَأْمَنْ بِعَادَهُمْ
يُعَوِّضُونَكَ بِالْإِدْبَارِ إِقْبَالًاً	وَإِنْ جَهَوْكَ فَلَا تَيَأسْ لَعَلَّهُمْ
قَدْ يُخَدِّثُ اللَّهُ بَعْدَ الْحَالِ أَخْوَالًاً	وَالْأَمْنُ وَالْيَاءُ لَا تَسْلُكْ طَرِيقَهُمَا
قَالَتْ لَكَ النَّفْسُ مَاتَ الْمَحْرُ قُلْ لَا لَا	وَاخْشَ الصُّدُودَ إِذَا مَا وَاصَلُوكَ وَإِنْ

Шеър:

Агар улар сени ўзларига яқинлаштирсалар, қайта узоқлаштиришларидан хотиржам бўлма.

Чунки кўпинча ўзини эркин ҳис қилиш, хорликни мерос қиласди.

Агар сенга жафо қилсалар, ноумид бўлма.

Шояд улар сенга юз ўгиришликни ўрнига юзланиб қолсалар.

Хотиржамлик ва ноумидлик йўлидан юрма.

Гоҳида Аллоҳ бир ҳолатдан кейин бошқача ҳолатларни пайдо қиласди.

Агар улар борди-келди қилсалар, юз ўгиришларидан қўрқгин.

Нафс сенга хижрон ўлди деса, сен “йўқ, йўқ” деб айтгин.

لَا تَقْمِنْ بِرْبَعِ مُتَّقِمٍ

Ўч олувчи гурухни турғизиб юборма.

أَتَعْبُ قَدَمَكَ فَكِمْ تَعِبُ قَدَمَكَ

Қадимингни толиқтири. Шунда қадаминг чарчаган холида жим туришга мажбур бўлур.

مَنْ أَحَبَ الشَّهَوَاتِ أَبْغَضَ نَفْسَهُ

Ким кўнгил-ҳоҳиши истакларини яхши кўрса, ўзини ёмон кўрибди.

أَحَقُ النَّاسِ بِالنَّفْعِ وَبِالصَّنْيِعَةِ الشَّكُورُ وَبِالْمَنْعِ الْكَفُورُ

Инсонларнинг ичидан фойда етказиш ва яхшилик қилишга энг ҳақлиси, раҳмат айтиб миннатдор бўлувчиидир. Ман этмоққа лойикроғи эса неъмат инкор қилувчиидир.

لَنْ يَنْصَحَّكَ مَنْ عَشَّ نَفْسَهُ وَلَنْ يَنْفَعَكَ مَنْ ضَرَّهَا

Ўзини алдаган киши сенга ҳечам самимий бўлмайди. Ўзига зарар келтирган киши сенга ҳеч манфаат келтирмайди.

بَعِيدٌ مِنْ أَسْقَطَ حَقًّا نَفْسِهِ أَنْ يَقُومَ بِحَقٍّ غَيْرِهِ وَصَعْبٌ عَلَى مَنْ أَلْفَ إِسْقَاطَ الْحُقُوقِ التَّكْلُفُ أَنْ يُحَوِّلَ عَنْهُ

Ўзини ҳаққини паймол қилган кимса томонидан ўзгаларни ҳаққини адo этиши воқеъликдан узоқ бир ҳолатдир. Бўйнидаги ҳақларни паймол қилишга одатланган кимса эса мана шу одатидан четланмоғи узоқдир.

ذُو الْمُرْوَةِ يَرْتَفَعُ وَتَارِكُهَا يَهْبُطُ

Одамгарчилиги бор кимса баланд даражага юксалади. Уни тарк этувчи эса пастга қулайди.

الارقاء صعب والانحطاط هين كالحجر الثقيل رفعه عسير وحشه يسير

Юқорига құтарилиш қийин, шүнғишиң осон. Бу, худди оғир тошға үхшайды: уни құтариш қийин ва ташлаш осон.

هذب نفسك من الدنس تهذب جميع أتباعك، ونرة نفسك عن الطمع يتبرأ جمیع خلفائك

Үзингни ифлосликдан покла, шунда сенга эргашганларни ҳаммаси покланадилар. Үзингни тамагирликдан тозала, шунда барча шерикларинг покиза бўлади.

ما زانك ما أضاع زمانك ولا شأنك ما أصلح شأنك

Замонингни йўқ қилган нарса сени зийнатламабди. Ишларингни ислоҳ қилган нарса эса сени айбламабди.

الأقدار إذا انقضت، كالكتائب إذا انقضت

Қачонки қадарлар ниҳоясига етса, бамисоли қулаб тушаётган юлдузлардек бўлади.

إِخْضُونَ حَنَاحَكَ لِمَنْ عَلَا، وَوَطْئُ كَنَقَكَ لِمَنْ دَنَا، وَجَحَافَ الْكِبِيرِ تَمْلِكُ مِنَ الْفُلُوبِ مَوْدَنَّهَا، وَمِنَ النُّفُوسِ مُسَاعَدَتَهَا

Улуғларга қанотингни ёз. Сенга яқинлашганларга эса ён томонингни тушир. Кибрдан четлансанг, қалблардан муҳаббатга, одамлардан эса ёрдамга эга бўласан.

كُنْ صَبُورًا فِي الشِّدَّةِ، شَكُورًا فِي النِّعْمَةِ

Қаттиқ қийинчилик пайтда сабрли, нозу неъматлар пайтида эса шукур қилувчи бўл.

لَا تُبْطِرْكَ السَّرَّاءُ، وَلَا تُدْهِشْكَ الضَّرَّاءُ، لِتَسْكَافَ أَحْوَالُكَ وَتَعْتَدِلْ خِصَالُكَ فَتَسْلِمْ مِنْ طَيْشِ النَّظَرِ
وَسُكْرَةِ الْبَطْرِ

Холатларинг текис бўлиши ва ҳислатларинг мўътадил бўлиши учун хурсандчиликлар сени такаббур қилиб қўймасин, заарлар эса сени қўрқувга солиб қўймасин. Шунда сен енгилтакликтан ва кибр мастлигидан омонда бўласан.

كُنْ لِلشَّهَوَاتِ عَزُوفًا تَنْفَعَ مِنْ أَسْرِهَا، فَمَنْ قَهَرْتُهُ الشَّهْوَهُ كَانَ عَبْدًا لَّهَا، وَمَنْ اسْتَعْبَدَتُهُ الشَّهْوَهُ دُلْلَ

ибна

Кўнгил хоҳиш истакларига нафратланувчи бўлсанг, уларга асир тушишдан озод бўласан. Чунки кимнинг устидан шаҳват ғолиб бўлса, у шаҳватга қул бўлади. Кимнинг шаҳват қул қилиб олган бўлса, у шаҳват ила хор бўлади.

كُنْ بِالزَّمَانِ خَيْرًا تَسْلِمْ مِنْ عَشَرَتِهِ، إِنَّ الْعَرُورَ بِهِ مُرِدٌ، وَقَدْمُ لِمَعَادِكَ مَا تُحِبُّ أَنْ تَرَاهُ هنَاكَ فَلَنْ تَجِدَ
إِلَّا مَا قَدَّمْتَ وَلَنْ تُجَازَ إِلَّا بِمَا صَنَعْتَ وَاسْتَقْلَلَ مِنَ الدُّنْيَا تَنَاهِ عِزًّا فَلَنْ يَذَلِّ إِلَّا صَاحِبُهَا وَلَنْ يَخْرُنَ إِلَّا
طَالِبُهَا

Замондан хабардор бўлсанг, тойилишдан омонда бўласан. Чунки замонга алданган одам баҳтсиздир. Охиратинг учун ўша ерда кўришни яхши кўрган нарсангни жўнат. Чунки сен факат тақдим қилган нарсангни топасан ва қилган нарсаларинг ила жазоланасан. Дунёдан камайтирсанг,

азизликка етасан. Дунёни дўсти хор бўлади. Факат дунёни талаб қилувчи эса хафа бўлади.

إِذَا كَانَتِ الدُّنْيَا عَدَّارَةً فَمَا مُوجِبُ الْطَّمَانِينَةِ إِلَيْهَا، وَإِذَا كَانَتِ الْأَشْيَاءُ عَيْرَ دَائِمَةً فَقِيمَ السُّرُورُ بِهَا

Агар дунё хиёнаткор бўлса, унга хотиржам бўлишга ундовчи нарса нима? Агар нарсалар доимий бўлмайдиган бўлса, бу билан шод юриш нима?

الْقَلْبُ الْعَلِيَّ يَمْيلُ إِلَى الْأَبَاطِيلِ

Касал қалб ботил нарсаларга мойил бўлади.

مِنْ أَشْرَفِ الْأَخْلَاقِ صِيَانَةُ النَّفْسِ عَنِ التَّفَاقِ

Нафсни нифоқдан сақлаш, хулқларнинг энг афзалидир.

تَقْرِيبُ السُّنَّةِ يُرِيدُ الدُّوَلَ

Пасткашларни яқинлаштириш, давлатларни йўқ қилишдир.

أَحْزَمُ أَسْدُ الْآرَاءِ وَالْغَفْلَةُ أَضَرُّ مِنَ الْأَعْدَاءِ

Эҳтиёткорлик фикрларни энг тўғрисидир. Ғафлат эса душманлардан кўра заарлироқдир.

بِالْإِسَاءَةِ يَقُولُ الْمُرَادُ وَبِالْعَدْلِ ثَعَمَرُ الْبِلَادُ وَسُسْتَمَالُ الْعِبَادُ

Ёмонлик билан мурод-мақсад йўқ бўлади, адолат ила эса шаҳарлар ободонлаштириб, одамлар мойил қилинади.

بِالظُّلْمِ يَرْوُلُ الْمُلْكُ وَبِاللُّطْفِ تُفْتَنَصُ الْأُسُودُ وَيَحْصُلُ كُلُّ مَفْصُودٍ

Зулм ила мулку давлат кетар. Мулойимлик ила шерлар овланиб, ҳар бир мақсад ҳосил бўлар.

لَيْسَ الْوَهْمُ كَالْفَهْمِ وَلَا الْحَبْرُ كَالْعَيْانِ

Тўқима нарса фахм каби эмас, хабар эса кўз билан кўришлик каби эмас.

طَهَّرْ نَفْسَكَ مِنَ الْبَغْيِ وَأَزِحْ مِنْ قَلْبِكَ الْكِبْرَ وَاجْتَذِبِ الْقُلُوبَ بِالإِسْتِعْطَافِ وَاسْتَمِلِ النُّفُوسَ
بِالإِنْصَافِ

Зулм қилишдан ўзингни пок тут. Қалбингдан эса кибрни бартараф қил. Қалбларни мулойимлик ила ўзингга торт. Одамларни эса инсоф ила ўзинга мойил қил.

إِحْدَرْ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ وَتَوَقَّهَا وَرَقَّ لَهَا إِنْ وَاجْهَكَ هِئَا وَلَا تَبْعَثْنَكَ الْعِرَّةَ عَلَى الْبَطْشِ فَتَرْدَادَ بِيَطْشِكَ
ظُلْمًا وَبِعِزْتِكَ بَعْيَا وَحَسْبُكَ مَنْصُورًا مَنْ كَانَ اللَّهُ نَاصِرًا

Мазлумни дуосидан эҳтиёт бўлиб, сақлан. Агар сенга дуоси билан юзланса, дуоси учун чорасини қилиб кўй. Ғолиблик сени куч ишлатишга ундумасин. Акс ҳолда куч ишлатиш ила зулмда ва ғолиблик ила исёнда ҳаддан ошган бўласан. Кимнинг ёрдамчиси Аллоҳ бўлса, ғолиблик жиҳатидан етарлидир.

وَقَالَ أَحَدُ الْحُكَمَاءِ يَنْصَحُ صَدِيقًا لَهُ: إِعْلَمْ يَا أَخِي أَنَّ الدُّنْيَا دَارُ فَنَاءٍ وَزَوَالٍ وَهَذَا حُكْمُ الْمُولَى عَزَّ
إِسْمُهُ عَلَى كُلِّ حَيٍّ وَأَذَنَ بِالرَّجِيلِ مِنْهَا وَالاِنْتِقالِ وَقَضَى بِالْمَوْتِ عَلَى الْكَبِيرِ وَالصَّغِيرِ وَقَدَرَ بِالْفَوْتِ عَلَى

المأمور والأمير وصيّرها دار همومٍ وأكْدارٍ ومتابِعَ وآخْطَارٍ ومصائبٍ وأحزانٍ ونَوَائِبٍ مُتَوَالِيَةٍ على تواли الزمان لا تبق مع واحدٍ على حالٍ ولا تخُلُو دائمًا من الاستحالاتِ إِنْ حَلَتْ إِحْكَلْتْ أَوْ هَنَتْ أَوْهَنْتْ وَإِنْ كَسَتْ أَوْكَسَتْ أَوْ جَلَتْ أَوْجَلْتْ فِيَا لَهَا مِنْ دُنْيَا غَدَارَةٍ غَرَّارَةٍ خَوَانَةٍ مَكَارَةٍ تَعْرُ الأَمِيرَ حَتَّى يَظْنَ أَنَّهَا تَدُومُ لَهُ وَتَخَادِعُهُ وَتَضْحَكُ عَلَيْهِ لِتُخَنِّدِهِ وَتَبْلُغُهُ مَهْمَماً يَهْوَى وَبِرِينْدٍ وَمَا يَرُومُ وَمَا يَدْرِي أَنَّهَا عَلَى إِضْرَارِهِ عَازِمَةٌ وَأَنَّهَا حَوْلُهُ بِالْحَوَادِثِ حَائِمَةٌ وَأَنَّهَا فِي كُلِّ يَوْمٍ تُخَاوِلُ عَلَى هَلَاكَهُ وَفِي كُلِّ وَقْتٍ وَسَاعَةٍ تُسَاوِمُهُ الرَّدَى وَتَنْصِبُ لَهُ أَشْرَاكَهُ وَتُظْهِرُ لِلْمَغْرُورِ أَنَّهَا صَدِيقَةٌ لَهُ وَهِيَ فَتَانَةٌ فَتَاكَةٌ

Донишмандлардан бири дўстига насиҳат қилиб деди: “Дўстим, албатта, дунё фоний ва йўқ бўлувчи диёр эканлигини билгин! Исми улуғ бўлган Зот ҳар-бир тирик жонзотга мана шундай хукм қилди ва дунёдан жўнаб, кўчиб кетишилик хабарини берди. Каттага ҳам, қичикка ҳам ўлимни хукм қилди. Ишчига ҳам, бошлиққа ҳам ўтиб кетишиликни тақдир қилди ва Аллоҳ бу дунёни замонни ўтишига биноан ғам-ташвишлар, хираликлар, қийинчиликлар, хатарлар, мусибатлар, ҳафагарчиликлар ва узлуксиз фалокатлар диёрига айлантириб қўйди. Дунё бирор одамга бир ҳолатда қолмайди. Дунё доим ўзгариб туради. Агар дунё келса, ечилиб кетади ёки бир кишига қараб юрса, уни заифлаштиради. Агар бирорни кийинтирса, арзимас қилиб қўяди. Узоқлашса, қўрқитади. Бу дунё нақадар хиёнаткор, алдоқчи, хоин ва маккор бўлмаса. Амирни алдаб қўяди. Ҳатто у дунё абадий деб ўйлайди. Дунё амирни тахтидан қулатиш учун алдаб, унинг устидан кулади. Амир ўзи истаётган, иродада қилиб, интилаётган нарсага уни етказиш учун ҳам дунё устидан кулади. Дунё амирга заар беришни мақсад қилиб қўйгани ва уни атрофида бир қанча ҳодисалар айланиб юришини ва ҳар куни уни ҳалок қилишни хоҳлаётганини ва ҳар бир вақт ва соатда ўлим у билан савдолашаётганини ва унга тузоқларни ўрнатиб қўяётганини билмайди. Бу дунё ғууррга кетган одамга дўст эканини изҳор қиласди. Ваҳоланки, дунё фитнага солиб, вайрон қилувчиидир.

فَبَيْنَمَا الْأَمِيرُ فِي دُولَتِهِ وَالْعَزِيزُ فِي عِزَّتِهِ وَالْحَاكُمُ فِي سَطْوَةِ حُكْمِهِ وَالْمَلِكُ فِي قُوَّةِ عَزِيمَتِهِ إِذْ هِيَ هَجَّمَتْ عَلَيْهِ بِالْحَوَادِثِ وَأَوْصَلَتْهُ الْمَصَابِ وَالنَّوَابِ وَلَا تُبَالِي مَنْ أَجْنَادُهُ وَلَا مِنْ عَشَرَاتِ الْمُحَدِّقِينَ بِهِ وَلَا تَسْتَحِي مِنْ أَحْبَابِهِ وَهُنْ حَوْلَهُ جُلُوسٌ وَلَا تُرَاعِي لِكَثْرَةِ الْخَادِمِينَ إِلَيْهِ وَعَصَبَةُ الْعَبِيدِ الْوَاقِفِينَ بَيْنَ يَدَيْهِ وَلَا تَكْرَمُ لِأَحْدَادِ مِنْ أَصْحَابِهِ وَالَّذِينَ يَأْلِمُونَهُ مِنْ أَحْبَابِهِ وَهُنْ هُمَّ مَسْرُورُونَ

Амирлар мулку давлатли бўлиб, қудратли одамлар иззатда бўлиб, ҳокимлар ҳукмдорлигига бўлиб ва подшоҳлар кучли бўлиб турган пайтларида бирдан дунё уларга турли хил ҳодисалар билан ҳужумга ўтади ва уларга мусибат ва фалокатлар етказади. Дунё, подшоҳ аскарларига ва унга кўз тикиб турган қариндошларига ҳам қараб ўтирумайди. Дунё подшоҳни яхши кўрган кимсаларидан уялиб ўтирумайди, ваҳоланки, улар уни атрофида ўтирасар эдилар. Дунё подшоҳларни хизматкорларига ҳам, уларни олдида хизматига шай бўлиб турган қуллар жамоасига ҳам риоя қилмайди. Дунё дўстларини ҳурматини ҳам жойига қўймайди. Унга дўст бўлиб турган яқинлари у билан хурсанд бўлсалар ҳам дунёдан маҳрум бўлиб қолаверади.

فَمَا تَرَاهَا إِلَّا هَدَمَتْ جِدَارَهُ وَأَخْرَبَتْ بَيْتَهُ وَقَلَقَلَتْ نِسَاءُهُ وَسَلَبَتْ قَرَارَهُ وَنَزَعَتْ رُوحُهُ مِنْ جَسَدِهِ وَأَخْرَجَتْهُ فَارِغًا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ كَانَ مَالِكُهُ فِي قَبْضِيَّةِ يَدِهِ وَأَوْرَثَتْهُ الْحَسْرَةَ عَلَى مَالِهِ وَأَوْلَادِهِ فَيَهُمْ وَيَنْدَهِشُ وَيَخْتَارُ فِي عَقْلِهِ وَفَكْرِهِ وَيُذَكِّرُهَا وَفَاءَهَا لَهُ فَلَا يَرِي مِنْهَا غَيْرَ الإِعْرَاضِ وَالإِدْبَارِ يَصِيقُ وَيَسْتَغْيِثُ فَلَا يَجِدُ مِنْ يَغْيِثُ وَأَعْزُ أَصْحَابِهِ يُسَلِّمُهُ لِلْمَوْتِ يَسْرَعُ أَهْلُهُ وَخُدَّامُهُ وَأَوْلَادُهُ لِلْمُؤَارَثَةِ فِي مَتَاعِهِ

Подшоҳ ва амирлар, деворларни бузганини, уйларини харобага айлантирганини, аёлларни тўзитиб ташлаганини, қарорни инкор қилганини, танасидан руҳини суғуриб ташлаганини, уларни ўзлари эгалик қилган ҳар бир нарсадан бўм-бўш қилиб чиқараётганини ва молига ва бола-чақаларига хасрату надоматни мерос қилиб қолдираётганини кўрасан.

Бас, у лол қолиб, даҳшатга тушади ҳамда ақли ва фикри хусусида ҳайрон бўлади. Дунё уларга қилган вафосини эслатмоқчи бўладилар. Ундан юз ўгиришилик ва қийинчиликдан бошқа нарсани кўрмайди. Улар дунёни, юз ўгириши ва четланишидан бошқа нарсани кўрмайдилар. Улар қичқириб, ёрдамга чақирадилар, лекин ёрдам берадиган одамни топа олмайдилар. Унинг энг яқин дўстлари ўлимга топширишади. Ўлгандан кейин оила-аъзолари, хизматкорлари ва бола-чақалари мол-дунёсини мерос қилиб олишга шошиладилар.

وَلَا يَنْفَعُهُ فِي هَذَا الْحَادِثِ أَعْزُّ أَصْحَابِهِ، وَلَا أَحَدٌ يَقْدِرُ يَرُدُّ عَنْهُ مُصَابُهُ الَّذِي جَرَى لَهُ، وَالَّذِي كَانَ يَظْهَرُ لَهُ أَنَّهُ أَعْزُّ مِنْ أَبِيهِ وَأَشْفَقُ مِنْ أُمِّهِ فَيَنْدِمُ عَلَيْهِ حَدَّ النَّدَمِ وَلَا يَنْفَعُهُ شَيْءٌ وَيَصِيرُ إِلَى الْمَقَابِرِ رَمَّةً مِنَ الرَّمَّمِ وَبَعْدَ ذَلِكَ يُخَاسِبُ عَلَى التَّقْيِيرِ وَالْقِطْمَيْرِ وَذَلِكَ الْجَمْعُ لَا يَنْفَعُهُ مِنْهُ لَا قَلِيلٌ وَلَا كَثِيرٌ وَيَقْتَسِمُ أَعْدَاءُهُ أَمْوَالَهُ وَعِيَالَهُ تَنَزَّجُ وَيَنْسَاهُ جَمِيعُ النَّاسِ وَالَّذِينَ يَأْخُذُونَ أَمْوَالَهُ لَا يَتَرَحَّمُونَ عَلَيْهِ وَلَا يَحْصُلُ بَعْدَ تِلْكَ الدَّوْلَةِ وَكَثِيرٌ أَمْوَالٌ إِلَّا عَلَى الْوَبَالِ وَالْخُسْرَانِ

Мана шу ҳолатда энг азиз дўстлари ҳам фойда бера олмайдилар. Унда содир бўлган мусибатларни қайтаришга бирор киши қодир бўла олмайди. Албатта, унга отасидан азизроқ ва онасидан ҳам меҳрибонроқ қилиб кўрсатаётган кимсалар унинг устида ниҳоятда қаттиқ надомат қиласидилар. Аммо унга ҳеч ким фойда бермайди. Шунда у қабрларга чириган суюклардан бири бўлиб кетади. Сўнг (хурмо дараҳтининг ариқчаси ва хурмо мевасини данагидан ажратиб турадиган парда каби) арзимас саналган нарсалардан ҳисобкитоб қилинади. Жамлаган нарсаларидан на ози, на кўпи фойда бермайди. Душманлари мол-дунёсини тақсимлаб оладилар. Аёллари эса турмушга чиқадилар ва уни барча одамлар унутадилар. Мол-дунёсини олган кимсалар раҳм ҳам қилмайдилар. Давлати ва мол-дунёсини кўплигидан фақат балолар ва ҳасрат-надоматларга эришади.

وَاعْلَمْ يَا أَخِي أَنَّ هكذا حَالُ الدُّنْيَا فِي كُلِ الدَّهْرِ وَمَنْ يَظُنُّ أَنَّ الْحَوَادِثَ لَا تَأْتِي عَلَيْهِ فَهُوَ بِجُنُونٍ

مغروز

Эй биродарим, албатта ҳар бир замонда дунёни ҳолати мана шундайлигини билгин. Ким, ҳодисалар унга келмайди деб ўйласа, бас, у алданиб қолган жиннидир.

وَاعْلَمْ أَيْضًا أَنَّ النَّصِيحَةَ مِنَ الْإِيمَانِ وَكَمَا يَدِينُ الْفَقِيرُ

Ва яна бигинки, албатта насиҳат иймондандир. Йигит қилмишига яраша жазоланур.

فَارْجِعْ إِلَى نَفْسِكَ وَحَاسِبْهَا قَبْلَ أَنْ يَطُولَ عَلَيْكَ الْحَسَابُ، وَتَيْقَظِ الْيَوْمَ قَبْلَ تَعَذُّرِ الْمَتَابِ فَاللِّيلَةُ
خُبْلَى وَكَانَكَ بِهَا وَقَدْ وَلَدَتِ الْعَجَائِبَ وَمَنْ لَمْ يَتَفَكَّرْ بِالْعَوَاقِبِ مَا لَهُ فِي الدَّهْرِ صَاحِبُ، وَعِمَّا قَرِيبٌ يَظْهَرُ
الْأَمْرُ وَيَنْكِسُرُ الظَّهَرُ وَيَخُونُ الدَّهْرُ وَيَنْقُذُ الصَّبْرُ وَيَنْدُمُ الرَّجُلُ حَيْثُ لَا يَنْفَعُهُ النَّدْمُ وَيَعْمَى الْبَصَرُ مِنَ
الْكَرْبِ وَزَلَّةِ الْقَدْمِ فَانْفَعْ نَفْسَكَ وَأَنْقِذْهَا مِنَ الْمَهَالِكِ لَا تَكَلِّمُ الْيَوْمَ لِذَلِكَ مَالِكُ وَعِنْدَ هِجَومِ الْحَوَادِثِ مَا
يُمْكِنُكَ ذَلِكَ فَلَعْلَكَ تَعْتَرِفُ وَتَتَفَكَّرُ وَتَرْجِعُ إِلَى نَفْسِكَ وَتَتَدَبَّرُ فَبَاعِدُ نَفْسَكَ مِنَ الضَّرِّ

Биродарим, ўзинга қайт. Хисоб-китоб сенга узун бўлишидан илгари бир ўзингни сарҳисоб қилиб ол. Тавба қилишни имкони бўлмасдан олдин уйғонгин. Чунки кечалар ҳомиладордир. Гўё сен кечалар билансан. Ҳолбуки, кеча турли хил ажойиботларни туғади. Ким оқибатларни тафаккур қилмаса, у учун замонда бирон дўст йўқдир. Яқинда ишлар юзага чиқади, беллар синади, замон хиёнат қиласди, сабр тугайди. Кишилар надомат фойда бермайдиган жойда надомат қиласдилар. Хирадик ва қадамларни қоқилишидан кўзлар кўр бўлади. Сен ўзинга манфаат етказиб, ҳалокатлардан қутилиб қол. Чунки сен буларни қилишга қодирсан. Ҳодисалар сенга хужум қилиб қолса, бу нарсалар сенга мумкин бўлмайди. Шоядки ибрат олсанг, фикр қилиб

қайтсанг ва уни тадаббур қилсанг. Демак, нафсингни заардан узоклаштиргин.

وَتَأْمَلُ إِشَارَاتٍ فِيهَا عِبْرَةٌ مِنْ اعْتِبَرَ، فَلَعَلَّكَ تَنْجُو مِنَ الْحَطْرِ وَإِذَا كَانَ لَا يَنْفَعُ حَذْرٌ مِنْ قَدْرٍ، إِذَا
نَزَلَ الْقَضَاءُ عَمِيَّ الْبَصَرُ، فَأَكْتَفِ بِمَا أَنْعَمَ اللَّهُ بِهِ عَلَيْكَ، وَاقْفَنْعُ بِمَا وَصَلَ مِنَ النِّعَمِ إِلَيْكَ، الْقَنَاعَةُ كَثُرٌ لَا
يَفْنَى وَالْحَرْصُ كَمْ أَنْبَتَ مِنَ الذَّلِ غَصْنًا، وَلَا تَطْلُبِ الزِّيَادَةَ بِالْمَالِ لَأَنَّهُ كَالْمَاءُ الَّذِي فِي بَيْتٍ وَاحِدٍ سُدَّتْ
مَسَارِيهِ، وَإِذْ لَمْ يَجِدْ لَهُ مَنْفَدًا يَخْرُجُ مِنْهُ غَرِيقٌ بِهِ صَاحِبُهُ

Ибратланган киши учун ибрат бўладиган ишораларни чукур ўйлаб кўр. Қадардан сақланиш фойда қилмайдиган жойда шояд сен хатарлардан қутулиб қолсанг. Аллоҳни ҳукми тушса, кўзлар кўр бўлади. Аллоҳ сенга тортиқ қилган неъматлар ила кифоялан. Етиб келган нозу-неъматларга эса қаноат қил. Чунки қаноат туганмас бойлиkdir. Очкўзлик хорлик шохларини ўстиради. Сен эса молу дунёning кўпини сўрама. Чунки, молу дунё бир уйда суви оқиб-чиқиб кетиши тўсилган сув кабидир. Агар сув уйдан чиқиб кетадиган йўл топа олмаса, очкўз киши сувга ғарқ бўлувчидир.

أَمَّا تَعْلَمُ أَنَّ الدُّنْيَا قَلِيلٌ الْوَفَاءُ سَرِيعٌ الْإِنْقَلَابُ وَالْحَفَاءُ، حَلَالُهَا حِسَابٌ وَحَرَامُهَا عِقَابٌ لَا تَخْلُو أَبْدًا
مِنَ الْأَكْدَارِ، وَلَا تَحْصُلُ إِلَّا بِالْمَتَاعِبِ وَالْأَخْطَارِ، وَالْعَاقِلُ مَنْ قَدْ رَفَضَهَا وَأَقْبَلَ عَلَى صَالِحٍ أَعْمَالِهِ، وَلَا
يَعْتَرُ مِنْصِبِهِ وَلَا إِمَالِهِ

Дунёning вафоси озлиги, ўзгариши ва жафоси тезлигини билмайсанми? Унинг ҳалоли ҳисобли, ҳароми эса азоблидир. Дунё хафагарчиликлардан холи бўлмайди. Фақатгина қийинчилик ва хатарлар орқали уни қўлга киритасан. Дунёни тарқ қилиб, яхши амалларга юзланган ва ўзининг мансаби ва моли билан мағрурланмаган одам оқил кимсадир.

الْبَيْعُمْ وَإِنْ كَانَتْ زَائِدَةً لَكِنَّهَا لَا مَحَالَةَ زَائِلَةٍ، وَالسَّرُورُ بِالنَّعْمِ إِذَا أَقْبَلْتُ يُعْقِبُهُ الْحَزْنُ عَلَيْهَا إِذَا أَدْبَرْتُ،
وَعَلَى قَدْرِ السَّرُورِ تَكُونُ الْأَحْزَانُ، وَالْعَاقِلُ مَنْ رَاقَبَ حَوَادِثَ الزَّمَانِ، وَمَنْ بَلَغَ عَâيَةَ مَا يُحِبُّ وَقَعَ فِي غَâيَةِ مَا
يَكْرَهُ، فَدَارِكَ نَفْسَكَ قَبْلَ أَنْ تَمُوتَ وَاغْتَنِمْ عُمْرَكَ قَبْلَ أَنْ يَمُوتَ، فَمَا كُلُّ حِينٍ يُدْرِكُ الْمَرءُ مَا يَتَمَّنَاهُ، وَلَا كُلُّ
نَجْمٍ يَسْرُكَ مَسْرَاهُ

Неъматлар кўп бўлсада, лекин йўқ бўлувчиидир. Неъматлар келганда улар билан хурсанд бўлинса, кетадио, орқасидан ҳафаликни етаклаб келади. Хурсандчиликка қараб хафагарчилик бўлади. Оқил, замон ҳодисаларини кузатиб юрган кишидир. Ким яхши кўрган нарсасини энг юқорисига етишса, ёмон кўрган нарсасининг охирига қулайди. Ўлмасингдан илгари ҳаракатингни қилиб қол. Йўқ бўлиб кетмасдан илгари умрингни ғанимат билиб қол. Чунки, киши ҳар доим ҳам орзу қилган нарсасига етишавермайди. Ҳар бир юлдузни униши эса сени хурсанд қиласвермайди.

وَكُمْ خَدَعْتِ الدُّنْيَا إِمْرَاءَ قَبْلَكُمْ، وَكُمْ غَرَّتْ عَزِيزًا مِثْلَكُمْ، إِعْجَلَنَّ بِالخَلَاصِ مِنْهَا وَأَنْتَ مُحَمَّدُ، فَقَلَّمَا
يَقُولُ أَمْرٌ وَيَعُودُ، وَلَا تَسْتَبِعُ مِنَ الدُّنْيَا عَذْرَهَا، وَلَا تَأْمِنَ لِمَكْرُهِهَا وَالْعُقْدَةُ الَّتِي تَحْلُّهَا يُبَدِّكُ خَيْرُ مِنَ الَّتِي
يَحْلُّهَا لَكَ النَّاسُ، وَأَوَّلُ ضَرَبَةٍ تَقَعُ فِي الرَّأْسِ فَأَقْبَلَ النُّصْحَ وَلَا تَلْتَفِتْ لِمَنْ يُزَخِّرِفُ لَكَ الْأَقْوَالُ، فَمَا كُلُّ
الرِّجَالُ رَجَالٌ، وَلَا كُلُّ مَا يُعْلَمُ يُقَالُ، وَلِيُسَ لِلأَيَامِ أَمَانٌ، وَاللِّيَالِي فِطْنَةُ الْحَدَثَانِ

Дунё сендан илгари қанча одамларни ва сенга ўхшаш азиз кишиларнинг қанчасини алдаган. Мақталгувчи ҳолда ундан халос бўлишга шошил. Ўтиб кетган иш камдан-кам қайтади. Сен дунё хиёнатини узоқ санама. Макридан эса хотиржам бўлиб қолма. Ўз қўлинг билан ечган тугун одамлар сенга ечиб берган тугундан яхшироқдир. Аввалги зарба бошга тушади. Демак, насиҳатни қабул қил. Чиройли гапирадиган одамга қарамагин, чунки кишиларни ҳаммаси ҳам мард эмас ва ҳар бир билинган нарсани ҳам айтилаверилмайди. Кунлар учун омонлик йўқ. Кечалар ҳодисалар моҳиятидир.

شعر:

يَا رَاقِدَ اللَّيلَ إِنْتِهٰ
 إِنَّ الْخَطُوبَ لَهَا سُرَى
 شِقَةُ مُحَلَّلُهُ الْعُرَى
 شِقَةُ الْفَتَى بِزَمَانِهٰ

Шеър:

Эй кечаси ухлагувчи, уйғонгин.
 Албатта, мусибатларни кечаси юриши бор.
 Йигит ўз замонига ишонишлиги.
 Бу-тугуларни ечилишга ишонишидир.

وَالْدُّولُ لَا تُحَالَ تَرْوِيلٌ وَكُلُّ مُتَوَّلٍ مَعْزُولٌ

Шубҳасиз, мол-давлатлар йўқ бўлади. Ҳар бир масъул эса четлангувчиидир.

شعر:

إِنَّ الْوَلَايَةَ لَا تَدْوُمُ لِوَاحِدٍ
 إِنْ كُنْتَ مُنْكِرًا ذَا فَائِنَ الْأُولُ
 وَافْعَلْ مِنَ الْفَعْلِ الْجَمِيلِ صَنَاعَةً
 فَإِذَا عَزَّلَتْ فِيْنَهَا لَا تُعْزِلُ

Шеър:

Бошлиқлик бирор киши учун доимий бўлмайди.
 Агар буни инкор қиладиган бўлсанг, бас, аввалгилар қани?
 Чиройли амаллар орқали яхшиликларни қилгин.
 Қачонки четлансанг ҳам, яхшиликлар четлатилмайди.

فَاطْرَحْ الدِّنِيَا خَلْفَ ظَهِيرَكَ وَاشْتَغِلْ فِي صَلَاحِ أَمْرِكَ، فَمَا بَعْدَ الْخَبَرِ إِلَّا العِيَانُ، وَكَانَكَ عَنْ قَرِيبٍ يُقَالُ
 فِي حَقِيقَكَ كَانَ فُلَانَ

Сен дунёни орқанга ташла ва ишингни салоҳиятлисига машғул бўл. Хабардан кейин фақат кўз билан кўришлик бор. Гўёки яқинда сен ҳақингда фалончи бундай бўлган эди, деб гапирилади.

وَقَابِلٍ إِحْسَانٍ رِّبَّكَ بِإِحْسَانٍ، فَهُلْ جَزَاءُ الْإِحْسَانِ إِلَّا إِحْسَانٌ، وَالْكَيْسُونَ
مِنْ أَنْعَظَ بِغَيْرِهِ، وَالْحَازُومُ مَنْ كَفَّ عَنِ النَّاسِ شَرَّهُ وَعَامَلَهُمْ بِخَيْرِهِ، وَالظُّلُمُ مَشْوُومٌ وَصَاحِبُهُ مُلُومٌ، فَأَخْدُرْ دَعْوَةَ
الْمَظْلُومِ فَإِنَّهَا مَا يَبْيَنُهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ تَفْعَلُ مَا تَفْعَلُهُ الْأَسْنَةُ الْلَّامِعَةُ وَالسُّيُوفُ الْفَاقِطَةُ

Сен Роббингни яхшилигига яхшилик билан юзлан. Яхшиликни мукофоти фақат яхшилик бўлади. Йигит қилмишига яраша жазоланур. Ақлли одам ўзидан бошқадан насиҳатланган кишидир. Эҳтиёткор одам эса, одамлардан ўз ёмонлигини тўхтатиб, уларга яхшилик билан муомала қилган одамдир. Зулм баҳтсизлик келтиради. Зулмнинг дўсти эса маломатлангандир. Сен мазлумнинг дуосидан саклан, чунки мазлумнинг дуосини билан Аллоҳнинг ўртасида тўсиқ бўлмайди. Мазлумнинг дуоси ялтираб турган тиф ва ўткир қилични ишини қиласи.

وَلَا تَعْتَرَ بَعْدِمِ عَجَلَةِ اللَّهِ بِالْعَقُوبَةِ، فَمَا يَعْجَلُ إِلَّا الَّذِي يَخَافُ الْغُوَتَ وَفُدْرَةُ مَوْلَاكَ تَافِدَةٌ فَهُوَ يُمْهَلُ
وَلَا يُهْمَلُ

Аллоҳ азобни шошилтирганига мағурланма. Чунки, қўлдан кетишига қўрқсан кимсагина шошилади. Аллоҳни қудрати тешиб ўтувчиидир. У муҳлат беради, лекин буткул ташлаб қўймайди.

وَفِي الْحَدِيثِ يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى لِلْمَظْلُومِ: وَعِزَّتِي وَجَلَائِي لَأَنْصُرَنَّكَ وَلَوْ بَعْدَ حِينِ

Хадис (құдсий)да Аллоҳ таоло мазлумга:

“Азизлигим ва қудратимга қасамки, албатта, мен сенға ёрдам бераман, гарчи озгина вақтдан кейин бўлса ҳам”, деб айтади.

Шур:

وَمَا تَدْرِي الَّذِي فَعَلَ الدُّعَاءُ
أَتَهُنْ بِالدُّعَاءِ وَتَزَدَّرُهُ

لَهَا أَمْدُّ وَلِلأَمْدِ اتْقِضَاءُ
سَهَامُ اللَّيلِ صَابِبٌ وَلَكُنْ

Шеър:

Сен дуони мазаҳ қилиб, паст санайсанми?

Ахир сен дуо нималар қилишини билмайсан.

Тундаги найза тегувчидир. Лекин...

Унинг муддати бор, муддатни эса бир кун тугаши бор.

وَلَكُنْ لَكَ فِي خَلَاصَكِ فَكْرٌ، وَلَا تَسْتَمِرَ عَلَى هَذِهِ السَّكْرَةِ، فَكَمْ أَمْبِرٌ تَهَاوَنَ فَفُهْرَ، وَكَمْ كَبِيرٌ
تَكَاسَلَ فَنَدِمَ وَعُدِيرَ، وَالتَّقْوَى حَيْرٌ زَادَ، وَلَا أَحَدٌ خَالَفَ وَصِيَّةَ مُحِيمَ وَسَادَ، وَمَنْ اسْتَيْقَظَ سَلِيمٌ وَمَنْ تَهَوَّرَ
نَدِمٌ، وَاسْأَلْ نَفْسَكَ عَنْ لَذَّةِ الْحُكْمِ، فَإِنَّهَا حَلَوَةٌ مَشْوِيَّةٌ بِسَمٍّ، وَالدَّهْرُ دَوَّارٌ، وَلَيْسَ لِبَحْرِ الطَّمَعِ قَرَارٌ

Халос бўлишинг учун бир фикр. Ушбу мастиликда бардавом бўлмагин. Қанчадан-қанча амир сустлик қилиб, мағлуб қилинди. Киборлар эса дангасалик қилиб, пушаймон бўлди ва уларга хиёнат қилинди. Тақво озуқани энг яхшисидир. Бирор одам ўзи яхши кўрган яқинига хилоф қилиб, баҳтли бўлмаган. Ким уйғоқ бўлса, омонда бўлади. Ким беэтибор бўлса, пушаймон бўлади. Ўзингдан ҳукмдорлик лаззати ҳақида сўрагин. Чунки у заҳар билан аралаштирилган ҳаловатдир. Замон айланиб турувчидир. Тамагирлик денгизи учун эса барқарорлик йўқдир.

وَانْظُرْ حَالَ مَنْ مَضَى مِنَ الْأَمْرَاءِ، تَجْدُ دَوْلَتَهُمْ قَدْ ذَهَبَتْ، وَمَحَاسِنُهُمْ قَدْ نَقَدَتْ، وَاسْتَوْلَى أَعْدَاؤُهُمْ عَلَى أَمْوَالِهِمْ وَنَزَّلُوهُمْ نِسَاءَهُمْ وَمَلِكُوكُوا دِيَارَهُمْ وَمَنَاصِبَهُمْ تَلَدَّدُوا بِمَا جَمَعُوهُ لَهُمْ مِنَ الْمَالِ وَهُمْ مُعَذَّبُونَ بِهِ فِي غَايَةِ الْعِقَابِ وَالْأَوْبَالِ وَإِذَا احْتَكَتِ التِّصَالُ إِنْكَشَفَ الْمُعْطَى وَبَانَ الْحَالُ

Үтмишда ўтган амирларни ҳолига қара, давлатлари кетиб бўлганини, уларни яхши ишлари ўтиб кетганини, душманлари молларига эгалик қилганини ва хотинларига уйланиб олинганини, ховлилари ва мансабларига эгалик қилганини ва ўзлари учун тўплаган моллари билан душманлари лаззатланаётганини кўрасан. Ваҳоланки, уларни ўзлари эса моллари сабабли ниҳоятда жазо ва зиён билан азоблангувчиidlар. Қачонки тифлар тўқнаш келса, яширинган нарсалар фош ва ҳолат очик-равshan бўлар.

وقال الأَمَامُ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْعَاجِزُ مَنْ عَجَزَ عَنْ سِيَاسَةِ نَفْسِهِ، وَالْعَاقِلُ مَنْ اعْتَبَرَ يَوْمَهُ بِأَمْسِيهِ

Имом Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу дедилар:

“Ожиз – ўзига сиёsat юргизишдан ожиз бўлган кишидир. Оқил эса – бугунги куни учун кечаги кунидан ибрат олган кишидир.

والدنيا {كَسَرَابٍ بِقِيَعَةٍ يَكْسِبُهُ الظَّمآنُ مَآءَ حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُ لَمْ يَجِدْهُ شَيْئًا} (النور-39) لَذَاتِهَا أَضْعَافُ أَحَلَامٍ وَحَقِيقَتُهَا كَخَيَالٍ مِنَامٍ، وَعَادُهَا افْتَرَاسُ الرِّجَالِ، وَشَأْلُهَا التَّغْيِيرُ وَالتَّقْلِبُ مِنْ حَالٍ إِلَى حَالٍ، تَسْعَى فِي إِعْمَارِهَا وَهِيَ تَسْعَى فِي خَرَابٍ عُمْرِكَ، وَتَجْتَهِدُ فِي إِصْلَاحِهَا، وَهِيَ مُجْتَهَدَةٌ فِي فَسَادِ أَمْرِكَ، وَرُبَّمَا بَاتَ الْمَرْءُ مَسْرُوِّرًا ضَاحِكًا، وَالْمَوْتُ عَلَى بَابِ دَارِهِ وَاقِفًا وَرُبَّمَا أَمْلَأَ أَمْلَأَ وَالْأَقْدَارُ سَاعِيًّا فِي مَحْوِ آثَارِهِ، وَكَمْ عَزِيزٌ بَاتَ آمَنًا يَرْفُلُ فِي ثُوبٍ مَجْدِيٍّ أَصْبَحَ إِلَى الْقَبْرِ مَحْمُولًا بِالذَّلَّةِ وَالْإِهَانَةِ، وَقَدْ كَانَ قَبْلَ ذَلِكَ بِيَوْمٍ فِي غَايَةِ

العزَّةِ وَالصِّيَانَةِ

Дунё: “Сахродаги саробга ўхшар. Чанқоқ одам уни сув деб ҳисоблар. Қачонки, унинг олдига келса, ҳеч нарса топмас”. (Нур сураси, 39-оят)

Дунёниг лаззати алғов-далғов тушлардир. Унинг ҳақиқати бамисоли уйқу ҳаёлдир. Унинг одати одамларни овлаш. Иши эса ўзгартириш ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга айланиб туришдир. Сен уни обод қилишга харакат қиласан, у эса уйингни хароба қилишга интилади. Сен уни ислоҳ қилишга харакат қиласан, у эса доимо ишингни бузишга харакат қилади. Кўпинча одам кечасини хурсанд ва кулган ҳолатда тунайди, вахоланки, ўлим эса унинг эшигига туриб, кутади. Кўпинча одамлар қандайдир орзуларни умид қилишади, вахоланки, қадарлар орзулар изини ўчиришга харакат қилади. Қанчадан-қанча қудратли кишилар қимматбаҳо кийимлари билан ғуурланиб хотиржам тунайдилар. Тонгда эса хорлик ва таҳқирлаш билан қабр томон кўтарилиб кетадилар. Вахоланки, у мана шундан бир кун илгари ниҳоятда азизликда ва ўзини саклашда эди.

شعر:

رَزِيْةً مَالِ أَوْ فِرَاقُ حَبِيْبٍ
وَمَا الْدَهْرُ وَالْأَيَّامُ إِلَّا كَمَا تَرَى

Шеър:

Замон ва кунлар ҳеч нарса эмас, магар сен кўриб турганинг каби мол мусибати ёки дўстдан ажралмоқлиқдир.

قال بعضُ الحُكَمَاءِ: لم تر شيئاً يبقى مع بقاء الدهر كالذكر الجميل أو القبيح فانتهزْ فرصةً العمر،
ونفاذَ الأُمْرُ، وَمُسَاعَدَةً الأَيَّامِ، قَدِّمْ لِنَفْسِكَ خَيْرًا ثُدُّذْكُرُ بِهِ.

Донишмандларни айрими деди: “Замон ўтар экан доимий қоладиган гўзал хотира ёки хунук хотира каби нарсани кўрмайсан. Шундай экан, умр фурсати, ишлар ўтиши ва

кунларни ёрдам бериб турганини ғанимат билгин. Эсланиб туриладиган яхшиликни ўзинг учун тайёрлаб қўй.

شعر:

يَقْنَى وَتَبَقَّى مِنْهُ آثَارٌ	الْمَرْءُ بَعْدَ الْمَوْتِ أَحْدُوثَةٌ
تَطِيبُ بَعْدَ الْمَوْتِ أَخْبَارٌ	وَأَخْسَنُ الْأَخْوَالِ حَالٌ امْرَئٍ

Шеър:

Киши ўлимидан кейин афсонадир.

Лекин уни қолдирган излари доимий қолувчиdir.

Холатларни энг гўзали, киши ўлганидан кейин

Унинг ҳақидаги хабарлар гўзал ҳолатдагисидир.

سُيَلَّ بَعْضُ الْمُلُوكَ بَعْدَ زَوَالِ مُلْكِهِ: مَا الَّذِي سَلَبَكَ مَا كُنْتَ فِيهِ؟ فَقَالَ: شَهَوَاتُنَا شَغَلَتُنَا عَنِ التَّفْرِغِ
لِمُهِمَّاتِنَا، وَوَرَثَنَا بِكَفَائَتِنَا فَأَنْتُرُوا صَلَاحَهِمْ عَلَى صَلَاحِنَا وَظَلَمُ عُمَالُنَا رَعَيَتَنَا، فَقَسَدَتْ نِيَاثُهُمْ عَلَيْنَا وَمَنَّوْا
الرَّاحَةَ هُنَّا

Мулки кетиб қолган баъзи подшоҳлардан:

"Подшоҳлик пайтингда нима нарса салтанатингни тортиб олди?" деб сўралганида, у: "Нафсларимизни хоҳишлари мухим ишларимиз билан шуғулланишдан фориғ қилиб қўйди. Вазирларимизга ишониб қолдик. Улар эса бизни манфаатларимиздан ўзларининг манфаатларини афзал деб билдилар. Амалдорларимиз халқимизга зулм қилдилар. Уларнинг ниятлари бизга қарши бузилиб, шу ерда роҳат-фароғатни орзу қилдилар".

رُوِيَّ عن النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: اتَّقُوا دُعَوَةَ الظَّلُومِ فَإِنَّمَا يَسْأَلُ اللَّهَ حَقَّهُ وَأَنَّ اللَّهَ لَا
يَنْعِ ذَا حَقِّ حَقَّهُ

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

У зот: “Сизлар мазлумнинг дуосидан сақланинглар, чунки у ҳаққини Аллоҳдан сўрайди. Албатта Аллоҳ ҳақ эгасини ҳаққини ман қилмайди”, дедилар.

ضَرْبٌ مَثَلٍ Зарбулмасал

Арслон, кийик ва маймун...

حُكِيَ أَنَّ لَبُوءَةً كَانَتْ سَاكِنَةً بِعَابِةٍ، وَبِجَوَارِهَا غَزَالٌ وَقِرْدٌ فَدَأَلَفَتْ جِوَارُهُمَا وَاسْتَحْسَنَتْ عِشْرَتُهُمَا، وَكَانَ لِتِلْكَ الْلَّبُوءَةِ شِبْلٌ صَغِيرٌ قَدْ شَعَفَتْ بِهِ خُبَّا، وَقَرَّتْ بِهِ عَيْنًا، وَطَابَتْ بِهِ قَلْبًا، وَكَانَ لِجَارِهَا الغَزَالُ أَوْلَادُ ضِعَاعَرٍ، وَكَانَتِ الْلَّبُوءَةُ تَذَهَّبُ كُلَّ يَوْمٍ تَبْتَغِي فُؤَنًا لِشِبْلِهَا مِنَ النَّبَاتِ وَضِعَاعِ الْحَيْوانِ، وَكَانَتْ تَمُرُّ فِي طَرِيقَهَا عَلَى أَوْلَادِ الْغَزَالِ وَهُنَّ يَلْعَبُنَ بِبَابِ حُجْرِهِنَّ، فَحَدَّثَتْ نَفْسَهَا يَوْمًا بِاقْتِنَاصٍ وَاحِدٍ فَتَجَعَّلُهُ فُوتَ ذَلِكَ الْيَوْمِ وَتَسْتَرِيْحُ فِيهِ مِنَ الذَّهَابِ ثُمَّ أَقْعَدَتْ عَنْ هَذَا الْعَزْمِ لِحَرْمَةِ الْجِوَارِ ثُمَّ عَاوَدَهَا الشَّرَّةُ ثَانِيًّا مَعَ مَا تَجَدُّ مِنَ الْفُوْرَةِ وَالْعَظِيمِ، وَأَكَّدَ ذَلِكَ ضُعْفُ الْغَزَالِ وَاسْتِسْلَامُهَا لِأَمْرِ الْلَّبُوءَةِ، فَأَخَذَتْ ظَبِيَّاً مِنْهُمْ وَمَضَتْ. فَلَمَّا عَلِمَتِ الْغَزَالُ دَخَلَهَا الْحُرْنُ وَالْقَلْقُ وَلَمْ تَقْدِرْ عَلَى إِظْهَارِ ذَلِكَ وَشَكَّتْ لِجَارِهَا الْقِرْدُ فَقَاءَ لَهَا: هَوَيْنِ عَلَيْكَ فَلَعْلَهَا تُقْلِعُ عَنْ هَذَا، وَخَنْجُ لَا نَسْتَطِيعُ مُكَاشَفَتَهَا، وَلَعَلَّيِ أَنْ أُذَكِّرَهَا عَاقِبَةُ الْعُدُوانِ وَحُرْمَةُ الْجِيَرانِ.

Хикоя қилинишича, арслон ўрмонда яшар эди. Унга кийик ва маймун қўшни бўлиб, арслон уларни қўшничилигига одатланган эди. Улар билан яшашни ажойиб деб билар эди. Арслонни кичкина арслончаси бор бўлиб, унга қаттиқ муҳаббат қўйган, у билан кўзи мамнун ва қалби қувонган эди. Арслоннинг қўшниси бўлмиш кийикни кичик болалари бор эди. Арслон эса хар куни ўзини арслончаси учун ўт-ўланлар, набототлар ва кичкина ҳайвонлардан озуқа истаб кетар эди. Йўлда кетаётганида кийик болалари унинг олдидан ўтиб қолди. Ваҳоланки, улар ўз уйларининг эшиги олдида ўйнаб юрган эдилар. Арслоннинг нафси улардан бирини овлаб, шу

кун учун озуқа қилиш ва ов қилишга боришдан роҳатланишиликни айтди. Арслон эса қўшничилик ҳурмати туфайли мана шу азму қароридан қайтди. Сўнгра унга иккинчи бор очлик топган қуввати ва ҳажми катта бўлишига қарамасдан қайтиб келди. Арслоннинг қувватли бўлиши эса кийик заиф экани ва уни арслон ишига таслим бўлмоғини таъкидлаб турарди. Арслон кийик болаларидан бирини олиб, кетди. Кийик билгач, уни маҳзунлик чулғаб олди. Кийик арслонга маҳзунлигини изҳор қилишга ботина олмай қўшниси маймунга шикоят қилди. Маймун: “Сен ўзингни енгил ҳис қилгин. Шояд у, ушбу ишидан орқага қайтса. Ваҳоланки, биз арслонга бу ҳақда хабар бериб, унга қарши чиқишга кучимиз йўқ. Эҳтимол, мен унга душманчилик оқибати ва қўни-қўшничилик ҳақ-хурматларини эслатарман”, деди.

فَلَمَّا كَانَ الْعَدُّ أَخْذَتْ ظَبَيَا ثَانِيًّا، فَلَقِيَهَا الْقِرْدُ فِي طَرِيقِهَا فَسَلَّمَ عَلَيْهَا وَحَيَّاهَا وَقَالَ لَهَا: إِنِّي لَا آمُنُ عَلَيْكِ عَاقِبَةَ الْبَغْيِ وَإِسَاعَةَ الْجُوَارِ، فَقَالَتْ لَهُ: وَهَلْ افْتَنَاصِي لِأَوْلَادِ الْغَزَالِ إِلَّا كَافْتَنَاصِي مِنْ أَطْرَافِ الْجِبَالِ
وَمَا أَنَا تَارِكٌ فُوتِي قَدْ سَاقَةُ الْقَدْرُ إِلَى بَابِ بَيْتِي

Эртаси бўлгач, арслон иккинчи кийик боласини ҳам олди. Кейин унга маймун дуч келиб, салом берди ва олқишилади. Сўнгра маймун: “Албатта, мен сендаги зулмнинг оқибатидан ва ёмон қўшничиликдан хотиржам эмасман”, деди. Арслон: “Мени ушбу кийик болаларини овлашим, бамисоли тоғ ёнбағирлари ва атрофларидан овлаганимдекдир. Мен ўз озуқамни тарқ этувчи эмасман, ваҳоланки, қадар уни уйимнинг эшиги тагига олиб келган бўлса”, деди.

فَقَالَ لَهَا الْقِرْدُ: هَكَذَا اعْتَرَ الْفِيلُ بِعُظُمِ جُثَثِهِ وَوُفُورِ قُوَّتِهِ فَبَحَثَ عَنْ حَتْفِهِ بِظِلْفِهِ وَأَوْبَقَةِ الْبَعْيِ رَغْمَ أَنْفِهِ فَقَالَتِ اللَّبَوْءَةُ كَيْفَ كَانَ ذَلِكَ؟

Маймун арслонга: “Фил ҳам ҳажми катталиги ва қуввати комиллигидан алданиб қолиб, ўзининг ўлимини туёқлари билан ахтарди ва унинг зулми хоҳишига қарши равища ўзини ҳалок қилган эди”, деди. Арслон: “бу қандай содир бўлган”, деди.

قال القرد: ذكروا أَنْ قُبْرَةً كَانَ لَهَا عُشْ فَبَاضَتْ وَفَرَّحَتْ فِيهِ، وَكَانَ فِي نَوَاجِي تِلْكَ الْأَرْضِ فِيلٌ، وَكَانَ لَهُ مَشْرِبٌ يَتَرَدَّدُ إِلَيْهِ، وَكَانَ يَمْرُّ فِي بَعْضِ الْأَيَامِ عَلَى عُشِ الْقُبْرَةِ، فَفِي ذَاتِ يَوْمٍ أَرَادَ مَشْرِبَهُ فَعَمَدَ إِلَى ذَلِكَ الْعَشِ وَوَطَئَهُ وَهَشَمَ رُكْنَهُ وَأَتَلَفَ بَيْضَهَا وَأَهْلَكَ فِرَاخَهَا. فَلَمَّا نَظَرَتِ الْقُبْرَةُ إِلَى مَا حَلَّ بَعْشَهَا سَاءَهَا ذَلِكُ، وَعَلِمَتْ أَنَّهُ مِنَ الْفَيْلِ، فَطَارَتْ حَتَّى وَقَعَتْ عَلَى رَأْسِهِ بَاكِيَةً وَقَالَتْ لَهُ: أَيْهَا الْمَلَكُ، مَا الَّذِي حَمَلَكَ عَلَى أَنْ وَطَئْتَ عُشِّيْ، وَهَشَمْتَ بَيْضِيْ، وَقُلْتَ أَفْرَاحِيْ، وَإِنَّنَا فِي جَوَارِكِ؟ أَفَعْلَمُتَ ذَلِكَ اسْتَضْعَافًا بِحَالِيْ وَقَلَّةِ مُبَالَةٍ بِأَمْرِيْ؟ قَالَ الْفَيْلُ: هُوَ كَذَلِكَ.

Маймун деди: “Айтишларича, тўргай қушнинг уяси бўлиб, у тухум қўйиб, унда жўжа очиб чиқкан экан. Ўша ерни атрофига фил бўлган экан. Тез-тез бориб турадиган сув ичиш жойи бор экан. Кунларнинг бирида фил ўша қушнинг уяси олдидан ўтиб қолиб сув ичмоқчи бўлди. Сув ичишга бориб, уяни босди ва унинг устунларини вайрон қилди. Тухумларига талофот етказиб, очган жўжаларини ҳам ҳалок қилди. Тўргай уясини бузилганини кўргач жуда хафа бўлди. Бу, филнинг иши эканини билди. Йиғлаб учиб, филнинг бошига қўндида: “Эй подшоҳ, уямни босиб, тухумимни синдиришга ва болаларимни ўлдиришга сени нима мажбур қилди. Ваҳоланки, биз сизнинг паноҳингиз остида бўлсак. Бу ишни, ҳолатимни заиф санаб ва мени менсимай қилдингизми?” деганида, Фил: “Худди шундай”, деди.

فَأَنْصَرَفَتِ الْقُبْرَةُ إِلَى جَمَاعَةِ الطَّيْوِرِ فَكَشَفَتْ إِلَيْهِمْ مَا نَاهَا مِنَ الْفَيْلِ، فَقَالَتْ لَهَا الطَّيْوُرُ: وَمَا عَسَانَا أَنْ تَبْلُغَ مِنَ الْفَيْلِ وَنَحْنُ طَيْوُرُ؟ فَقَالَتْ لِلْعَقَاعِقِ وَالْغَرْبَانِ: إِنِّي أُرِيدُ مِنْكُنَّ أَنْ تَسِيرُوْ مَعِي إِلَيْهِ فَتَفَقَّهُوْ عَيْنِيْهِ، فَأَنَا بَعْدَ ذَلِكَ أَحْتَالُ عَلَيْهِ بَحِيلَةً أُخْرَى

Тўрғай қушларни олдига бориб, уларга фил хусусида шикоят қилди. Қушлар: “Биз филга нима ҳам қила олардик. Ахир биз қуш бўлсак, у эса фил бўлса”, деб айтишди. Тўрғай зағизғон ва қарғага: “Мен билан унинг олдига бормоқларингизни ва унинг иккала кўзини ўйиб олишингизни хоҳлайман. Мен эса шундан кейин бошқа бирон ҳийла қиласман”, деди.

فَأَجَابُوهَا إِلَى ذَلِكَ وَمَضَوْا إِلَى الْفَيْلِ وَلَمْ يَرَالُوا بِهِ يَتَشَافَّوْنَ بَيْنَهُمْ وَيَنْفُرُونَ عَيْنِيهِ إِلَى أَنْ فَقَوْهُمَا وَبَقَى
لَا يَهْتَدِي إِلَى طَرِيقٍ مَطْعَمِهِ وَلَا مُشْرِبٍ فَلَمَا عَلِمْتُ ذَلِكَ جَاءَتِ إِلَيْنِي ضَفَادُغُ فَشَكَتْ مَا نَاهَمَا مِنْ
الْفَيْلِ فَقَالَتِ الضَّفَادُغُ: مَا حِيلْتُنَا مَعَ الْفَيْلِ وَلَسْنَا كُفُوءَةٌ وَأَيْنَ نَبْلُغُ مِنْهُ قَالَتِ الْفُنْبُرَهُ: أَحِبُّ مِنْكُنَّ أَنْ تَدْهَبَنَّ
مَعِي إِلَى وَهْدَةٍ بِالْقَرْبِ مِنْهُ فَتَتَقْفِعُوا وَتَصِحُّوا بِهَا فَإِذَا سَمِعُ أَصْوَاتَكُنَّ لَمْ يَشْكُ أَنَّ بَهَا مَاءً فَيُكِبِّ نَفْسَهُ فِيهَا

Қушлар тўрғайнинг талабига мувофиқ филнинг олдига бориб, унга тўхтамасдан ҳужум қилиб, икки кўзини то оқизгунча чўқий бошлишди. Фил эса овқат ейиш ва сув ичишга йўл топа олмай қолди. Тўрғай буларни билгач, қурбақалар бор ариққа келиб, филдан шикоят қилди. Қурбақалар: “Бу филга биз қандай ҳийла қиласмиш, ахир биз унинг тенги бўлмасак, бирор зарар етказа олармидик”, дедилар. Тўрғай: “Сизлар филга яқин бўлган чукур олдига боришингизни ва ўша ерда туриб, вақ-вақлашингизни истайман. Сизларнинг овозларингизни эшитгач, у шу ерда сув бор, деб ўйлаб, ўзини ўша ерга ташлайди”, деди.

فَأَجَابَهَا الضَّفَادُغُ إِلَى ذَلِكَ فَلَمَّا سَمِعَ الْفَيْلُ أَصْوَاتَهُنَّ فِي قَعْرِ الْحُفْرَةِ تَوَهَّمَ أَنَّ بَهَا مَاءً وَكَانَ عَلَى
جَهَدٍ مِنَ الْعَطْشِ فَجَاءَ مُكِبًا عَلَى طَلْبِ الْمَاءِ فَسَقَطَ فِي الْوَهْدَةِ وَلَمْ يَجِدْ مَخْرِجًا مِنْهَا، فَجَاءَتِ الْفُنْبُرَهُ تُرْفِرُ
عَلَى رَأْسِهِ وَقَالَتْ لَهُ: أَيْهَا الْمُغَنْتُرُ بِثُوَّتِهِ الصَّائِلُ عَلَى ضَعْفِي، كَيْفَ رَأَيْتَ عَظِيمَ حِيلَتِي مَعَ صَغِيرِ جُنْتَيِ

وَبِلَادَةَ فَهْمِكَ مَعَ كِبِيرٍ جَسْمِكَ؟ وَكَيْفَ رَأَيْتَ عَاقِبَةَ الْبَغْيِ وَالْعُدُوَانِ وَمُسَالَمَةَ الزَّمَانِ؟ فَلِمْ يَجِدِ الْفَيْلُ مَسْلَكًا
لِجَوَابِكَهَا وَلَا طَرِيقًا لِخَطَاكَهَا

Курбақалар бу таклифга рози бўлишди. Фил чуқурни тагида уларни овозини эшитгач, ўша ерда сув бор деб ўйлади. Ваҳоланки, у ташналиқдан жуда қийналган эди. Фил сув истаб, шу томонга келди ва чуқурга қулаб тушди. У ердан чиқиб кетишга чора топа олмади. Тўрғай қанот қоқиб унинг тепасига келиб: “Эй ўз кучига ишонган ва заифлигим учун менга ҳужум қилган, жуссам кичик бўлса ҳам ҳийлам катталиги, сени эса жуссанг катта бўлса ҳам калта фаҳмлилигингни, зулмни ва ҳаддан ошишликни ёмонлигини ва замонасига ишонишнинг оқибатини қандай эканини кўрдингми? Фил унга жавоб бериш ва хитоб қилиш учун бирор йўл топа олмади.

فَلَمَّا انتَهَى الْقَرْدُ فِي غَایَةِ مَا ضَرَبَهُ لِلْبُوءَةِ مِنَ الْمُثْلِ، أَوْسَعَتْهُ اِنْتَهَارًا وَأَعْرَضَتْ عَنْهُ اِسْتَكْبَارًا. ثُمَّ إِنَّ
الْعَزَالَ اِنْتَقَلَتْ بِمَا بَقِيَ مِنْ أَوْلَادِهَا تَبَغِي لَهَا جَحْرًا آخِرًا، وَإِنَّ الْلَّبَوْءَةَ خَرَجَتْ ذَاتَ يَوْمٍ تَطْلُبُ صَيْدًا وَتَرَكَتْ
شَبِيلَهَا فَمَرَّ بِهِ فَارِسٌ، فَلَمَّا رَأَهُ حَمَلَ عَلَيْهِ فَقَتَلَهُ وَسَلَحَ جِلْدَهُ وَأَخْذَهُ وَتَرَكَ لَحْمَهُ وَذَهَبَ. فَلَمَّا رَجَعَتِ الْلَّبَوْءَةُ
وَرَأَتِ شَبِيلَهَا مَفْتُولًا مَسْلُوحًا رَأَتْ أَمْرًا فَظِيْعًا فَامْتَلَأَتْ غَيْظًا وَنَاحَتْ نَوْحًا عَالِيًّا، وَدَخَلَهَا هُمْ شَدِيدُونَ، فَلَمَّا
سَمِعَ الْقَرْدُ صَوْتَهَا أَقْبَلَ عَلَيْهَا مُسْرِعاً فَقَالَ لَهَا: وَمَا دَهَاكَ؟

Маймун масал айтишни охирига етказган эди, уни жеркиб ташлади ва ундан кибр қилиб юз ўгирди. Кийик болаларига бошқа бирор уйни ахтарган холида қолган болаларини олиб кетди. Арслон эса яна бир куни ов ахтариб чиқди, болаларини уйда қолдирди. Болаларини олдидан бир отлик ўтиб қолди. Шерваччани кўргач, унга ҳамла қилиб ўлдирди. Терисини шилиб олдида, гўштини эса ўша ерда қолдириб кетди. Арслон қайтиб келгач боласи ўлдирилганини ва териси шилинганини кўргач жуда ҳам кўрқиб кетди. Ғазабга тўлиб, қаттиқ бақириб йиглади. Унга қаттиқ ғам кирди. Унинг

овозини эшитган маймун олдига тезлик билан етиб келиб: “Сени нима дахшатга солди?” деди.

فَقَالَتِ الْلَّبُوءُهُ: مَرَّ صَيَادٌ بِشَبْلِي فَفَعَلَ بِهِ مَا تَرَى

Арслон: “Болларим олдиdan овчи ўтиб, кўрганингдек уларни шу куйга солибди”, деди.

فقال لها: لا تَحْزَعِي ولا تَخْنِي، وانصِفي مِنْ نَفْسِكِ واصْبِرِي مِنْ غَيْرِكِ كما صَبَرَ غَيْرُكِ منك، فكما يَدِينُ الْفَتَى يُدَانُ، وجزاءُ الدَّهْرِ بِمِيزَانٍ، ومَنْ بَذَرَ حَبَّاً فِي أَرْضٍ فِقَدَرِ بذرِهِ يَكُونُ الشَّمْرُ، والجَاهِلُ لَا يَصْرِ مِنْ أَئْنَ تَأْتِيهِ سَهَامُ الْقَدْرِ، وَإِنَّ حَقًا عَلَيْكَ أَنْ لَا تَحْزَعِي مِنْ هَذَا الْأَمْرِ، وَأَنْ تَتَدَرَّعِي لَهُ بِالرَّضْيِ وَالصَّبْرِ

Маймун унга: “Додлама ва хафа ҳам бўлма ва ўзингга инсоф қилиб, сен томондан содир бўлган нарсага бошқалар сабр қилгани каби ўзгалардан етган нарсага сен ҳам сабр қил. Йигит қилмишига яраша жазоланур. Замоннинг жазоси эса тарози биландир. Ким бир ерга уруғ экса, уруғининг миқдорига яраша ҳосил кўради. Жоҳил, қадарнинг ўқи қаердан келишини кўрмайди. Зиммангдаги ҳақ шуки, ушбу ишдан жазавага тушмаслигинг ва бунга розилик ва сабр билан пешвоз чиқишингдир”, деди.

فَقَالَتِ الْلَّبُوءُهُ: كَيْفَ لَا أَجْزَعُ وَهُوَ قُرْءَةُ الْعَيْنِ وَوَاحِدُ الْقَلْبِ وَنَرْهَةُ الْفَكْرِ؟ وَأَيُّ حَيَاةٍ تَطِيبُ لِي بَعْدَهُ

Арслон: “Мен нимага ҳам бесабрлик қилмай. Ахир, улар менинг кўзимнинг қувончи, қалбимнинг ягонаси ва фикримнинг гули эди. Энди бундан кейин менга ҳаёт қандай ҳам мароқли бўлсин”, деди.

فَقَالَ لَهَا الْقَرْدُ: أَيَّشَهَا الْلَّبُوءُهُ، مَا الَّذِي كَانَ يُعَدِّيْكِ وَيُعَشِّيْكِ؟

Маймун арслонга: “Эй арслон, сенга эрталабки нонушта ва кечки таом бўладиган нарса нима эди?” деган эди.

قالت: لُحُومُ الْوُحُوشِ

Арслон: "Ваҳший ҳайвонларнинг гўштлари эди", деди.

قال القردُ: أَمَا كَانَ لِتَلْكَ الْوَحْشِ الَّتِي كُنْتِ تَأْكِلُنَّهَا آبَاءُ وَأَمْهَاتٍ

Маймун: “Ахир, гўштини еган ҳайвонларнинг ота-оналари йўқми?” деди.

قالتْ: بَلَى

Арслон: “Ҳа, бор”, деди.

قال القردُ: فَمَا بِالْنَّا لَا نَسْمَعُ لِتَلْكَ الْأَبَاءِ وَلَا الْأَمْهَاتِ صِيَاحًا وَصُرَاخًا كَمَا سَمِعْتُ مِنْكُمْ؟ وَلَقَدْ أَنْزَلْتُ بِكَ هَذَا الْأَمْرَ جَهَلْكِ بِالْعَوْاقِبِ، وَعَدَمِ تَفَكُّرِكِ فِيهَا، وَقَدْ نَصَحْتُكَ حِينَ حَقَرْتَ حَقًّا لِجَوَارِ، وَأَحْفَقْتَ بِنَفْسِكَ الْعَارَ وَجَاهَزْتَ بِقُوَّتِكَ حَدًّا لِإِنْصَافِ، وَسَطَّوْتَ عَلَى الظَّبَابِ الضَّعَافِ، فَكَيْفَ وَجَدْتَ طُغْمَ مُخَالَفَةِ الصَّدِيقِ النَّاصِحِ؟

Маймун: “Ажабо! Ҳозир сендан эшитгандек ўша ота-оналарни бақириб йиғлаганини эшитмаганмиз. Ваҳоланки, оқибатларни билмаслигинг ва фикр қилмаслигинг бу кўргиликни сенга олиб келди. Сен қўшничилик ҳаққини таҳқирлаган пайтингда, орни ўзингга келтирганингда мен сенга насиҳат қилган эдим. Сен ўзингни қувватингга ишониб, инсоф чегарасидан тажовуз қилиб, ташқарига чиқиб кетдинг. Ва яна сен заиф бўлмиш кийикларга ҳамла қилган эдинг. Ана энди насиҳатгўй содик дўстга қарши чиқиш мазасини татиб кўрдингми?” деди.

قال للبوءة: وَجَدْتُهُ مُرَّ الْمَذَاقِ

Арслон: “Буни тами аччиқ ҳолатда топдим”, деди.

وَلَمَّا عَلِمَتِ الْبَوءَةُ أَنَّ ذَلِكَ بِمَا كَسَبَتْ يَدَاهَا مِنْ ظُلْمِ الْوَحْشِ رَجَعَتْ عَنْ صَيْدِهَا وَرَمَتْ نَفْسَهَا
بِاللَّوْمِ وَصَارَتْ تَغْنَمُ بِأَكْلِ النَّبَاتِ وَحَشِيشِ الْفَلَوَاتِ

Арслон бу нарса ўзининг қилмиши сабабидан, яъни ҳайвонларга зулм қилиши орқали эканини билгач, уларни овлашдан тўхтаб, ўзини ўзи маломат қилди. Сўнгра ўсимлик ва чўл майсаларини ейиш билан қаноатланди.